Худонинг Каломи Пайғамбар Уилльям Маррион Бранхамга келди

“Васваса руҳлари Худонинг Каломини изоҳлайди”

Гуноҳкорни ҳукм қилма. Унга раҳм—шафқат қил. Майли, у сигаретасини чекаверсин, майли, ароғини ичаверсин, майли, картасини ўйнайверсин. Шу унинг қувончидир. Уни айблама. У уйига ҳолдан тойган ҳолда қайтади, у қандайдир бўлса ҳам ҳузур—ҳаловат истайди. Сенга келсак, шундай диёнатли ҳаёт кечиргинки, унга Инжил шу шодликдан ўн минг маротаба бой эканлигини кўрсат ва исбот қила ол. Ва агар у шу ҳолатида оламдан ўтса, ароғи билан тўғри дўзахга йўл олади. Бу шайтоннинг оғуси. Агар у сигарета тутатаётиб оламдан ўтса, Худо унга Қозидир. Агар беҳаё кийимда атрофда санғиб, ўйин—кулги кечаларида юриб оламдан ўтса, Худо уларга Қозидир.

Бироқ сен оламдан кўз юмаётганингда, сенда Муқаддас Руҳ Кучининг мойланиши бўлса, худди Стефан билан бўлгани каби, у Худога юзланди ва деди: “Мен очилиб турган самони ва ўнг томонда турган Исони кўряпман”, — унда сен ҳам, худди қалдирғоч ўз инига боғланганидек, Самога боғланган бўласан. Омин.

Йўлдан оздирувчи руҳлар Худонинг Каломига изоҳ беради! Ортда қолдиринг, олға юринг. “Қандай қилиб, Бранхам Ака?” Шунчаки олдинга юр. Сен бажаришинг лозим бўлган нарса шу. Худонинг Каломини ол. Бирор нарсани пардозлашга, ишлаб чиқишга уринма. Кўкрагингга уриб: “Раббим, менга Муқаддас Руҳни бер! Раббим менга Муқаддас Руҳни бер”! Дея саждагоҳ олдида қичқирма. Қанчалик саждагоҳга бошингни урмагин, у келмайди. Бундан ҳеч қандай фойда бўлмайди. Йўқ. У бундай йўл билан келмайди. Бу нарса Уни Каломи орқали қабул қилишдан келади!

Пётрга назар солинг. Пётр даҳшатли ҳолатда эди, у ўлим ёқасида тургандай эди. Ва бирдан сув юзида юриб келаётган Раббийни кўрди. Ва шунда деди: “Ё Раббий, агар бу Сен бўлсанг, менга айт, мен сув устида юрай”.

“Юр,”— деди Раббий.

Пётр деди: “Бир дақиқа тўхта, Раббий, бу сувдан юра олишим ёки юра олмаслигимни кўриш учун қирқ кун рўза тутишимга ижозат бер. О, Раббий, мен Руҳда рақсга тушишим ва ўзга тилларда сўзлашим учун мана шу қайиқда Руҳ билан шундай тўлиб—тошайин, шунда Сенинг ёнингга бораман.” Йўқ, дўстим! У Худонинг Каломини қабул қилди ва сув юзида юра бошлади. Худо уни олиб юрди.

Ёки Худо Мусога айтганидек: “Мусо, Мисрга бор ва фиръавнга: ‘Халқимни қўйиб юбор,’”— деб айт. Мусо агар: “Тангрим, менга аввал қирқ кун рўза тутишга ижозат бер, Сенинг айтганларингни бажаришим учун ишончим етишига амин бўлишим керак. Раббий, Менга бошқа бирор нарсани таклиф қил. Тўхта, мен Сенга нимадир айтмоқчиман, эҳтимол, мен аввал Руҳга кирарман,”— деганида—чи? Мусо ҳеч қандай савол бермади, У Худони Унинг Сўзи орқали қабул қилди ва борди. Ана шундай йўл билан сен юришинг керак, Худони Унинг Каломи орқали қабул қил. Шунда сен бу ишни бажара олишингга амин бўласан. У яна бирор нарса содир бўлишини кутиб ўтирмади, у борди ва шуни амалга оширди.

Кормил тоғида узоқ вақт бўлиб, кейин у ердан тушиб келган Илёс хусусида—чи. У камбағал бева аёлни учратди, у. . .у аёл бошқа ерлик эди, мажусий эди. Илёс шу аёлни ўша ерда учратганида у ўтин терар эди. Худо эса унга: “Шу беванинг уйига жойлаш,”— деди. Ваъзчи учун қандай жой!

Мана, у ўша беванинг уйига тушиб келмоқда. Аёл эса ўша ердан иккита ўтин топиб олди. “Нима қиляпсан?”

Деди: “Ўтин теряпман. Уним иккита нонга етади, холос. Менда қолган нарса шу. Уч йилдан бери биз томонда ёмғир ёғмайди”. Аёл деди: “Шу нонларни ёпмоқчиман, ўғлим иккаламиз еймиз ва жон берамиз”.

У эса: “Аввал мен учун ёп!” Ҳамдлар бўлсин! О, мен—мен ўзимни бир мунча ғалати тутаётганимни биламан, бироқ барибир мен Худонинг томонидаман. Айтди: “Аввал мен учун битта ёп! Чунки ХУДОВАНД ШУНДАЙ ДЕЯПТИ!” Мана, марҳамат.

Бу нима? “Сиз аввало Худонинг Шоҳлиги ва Унинг иродаси пайидан бўлинглар!” Худонинг Шоҳлиги ва “озгина шовқин—суроннинг” эмас, Худонинг Шоҳлиги ва “озгина ҳис—туйғуларнинг” эмас, Худонинг Шоҳлиги ва “озгина *ундан—бунданнинг*” эмас. Бироқ “Худонинг иродасини пайидан бўлинг, шунда буларнинг барчаси сизга қўшимча қилиб берилади!” Биринчи навбатда шу бўлсин!

Биз буни эшитишимиз лозим. Имон эшитишдан келади, эшитиш эса Каломдан келади. У деди: “Бу Худонинг Каломи, чунки бу Худонинг муқаддас инсони, Худо пайғамбари ва буни ҳақиқат эканлигини биламан. Бу Худонинг Каломи”.

Ҳа, у энди нима қилиш лозимлиги тўғрисида қўшнилардан сўрагани бормади. У ўзининг. . .билан ўртоқлашишни истамади ва қўшниларига сўзлаб бергани бормади: “Қулоқ солинг, сиз бунга нима дейсиз? Менинг уйим ёнида ваъзчи *бундай* деяпти. Зося, сен *бу ҳақда* қандай фикрдасан.”

У уйига кириб бор—йўғини пиширди. Барча нарсадан озод бўлди. У кўпроқ нарсага эга бўлиш учун ўзидаги бор нарсани берди. Бугунги кунда дунё муҳтож бўлиб турган нарса ҳам шу, ўзингдаги мавжуд барча нарсалардан эскича, меҳрибонларча озод бўлиш. Ҳамдлар бўлсин! У яна тўлдириш учун бўшатди. Уйидаги бор ёғни, бор озуқани Худонинг Шоҳлиги учун ўша ваъзчига берди. Ва бу аёл барча идишларни бўшатиб бўлганида, Худо тушиб

пақирини ун, кўзасини ёғ билан тўлдирди. У яна пайғамбарнинг косасига бўшатганида, Худо яна келиб тўлдирди. Ҳар сафар у бўшатар, У эса тўлдирар эди.

Ва бугун мен сизга шуни айтаманки, агар инсон барча сафсата ва даҳмазаларни, тақлид қилишларни, масиҳчилик ўйинини ўзидан силкиб ташласа ва Муқаддас Руҳга жойини эгаллашга ижозат берса, унда бу Саккизинчи кўча билан Пенни кўчаси чорраҳасида шундай уйғониш бошланар эдики, ҳатто бутун мамлакатни қамраб оларди. Беъманиликни йиғиштиринг. Худонинг Каломига қайтинг. Сизни тўлдириш мумкин бўлиши учун озод бўлинг. Озод бўлинг ва Худо сизнинг ёнингизга келади. Озод бўлинг, Худо тўлдиради. Мана шу барча икир—чикирларни— “Сен мана *буни* ва мана *буни* қилишинг керак, сен *уни* ёки *буни* қилишинг керак”. Унутинг! Қалбингиздан буни чиқариб ташланг!

Айт: “Худойим, бугундан эътиборан. . .бутунлай Сеники бўлишга ижозат бер. Раббим, мен эзилган юрак билан келмоқдаман. Мен тушкун руҳ билан келмоқдаман. Мен Сени севаман ва Сени севишимни биласан. Ва мен қирқ кун рўза тутиб, Худога яқин бўлдимми ёки йўқми, ёки *у* ёки *бу*, шу *барча* беъманиликни унутмоқчиман”.

Буни бас қилинг! Калом ҳеч қаерда сизга қирқ кун рўза тутишни буюрмаган. Ундай эмас. Дунёдаги ҳеч бир нарса Худо сенга айтмагунча, рўза тутишга мажбур эта олмайди. Бундан ташқари, агар сен рўза тутсанг, оч ва қийналган ҳолда юрмайсан. Агар сен рўза тутсанг, ака, унда доимо қувончга тўлиб, бахтиёр бўлиб юр. Айтилган: “Рўза тутаётганингизда, иккиюзламачилар каби қовоқ осилтириб юрманглар. ‘Мен қирқ кунлик рўзадаман, идишларим менга керак эмас. Мен ўттиз килограммга озиб кетибман ва ҳамманинг айтишича менинг кўринишим анча яхши бўлиб қолибди’”. Беъманилик! Иблиснинг йўлдан оздирувчи руҳлари.

Саждагоҳ олдида туриб: “шон—шараф, шон—шараф, шон—шараф”,— деб хитоб қиладилар, то қийинчилик

билан яна бирор нарса айта олгунича давом эттиради ва: “Сен ўзга тилларда гапиришинг лозим, шунда сен Муқаддас Руҳни оласан,”— деб таълим беради. Бу сафсата! Буни чиқариб ташла ва унут!

Ўзингизнинг тузумингиздан буни чиқариб ташланг ва Худонинг Каломига келинг! У айтди: “Тавба қилинглар ва гуноҳларингиз кечирилиши учун ҳар бирингиз Исо Масиҳ номидан сувга тушиб имон келтиринглар ва шундай қилиб Муқаддас Руҳ инъомини оласизлар”. Агар Худо Ўз Сўзини бажармаса, унда У Худо эмас. Омин. Озод бўлинг! Тўлиб—тошасиз! Омин. О—о! Меи буни қанчалик севаман, Унинг Сўзини. Худо шундай деди. Бу ҳақиқат. Агар Худо шундай деган бўлса, демак бу ҳақда Худонинг Ўзи қайғуради. Яхши. Сенинг барча тайёргарликларинг, жамоатга келиб—кетиш. . .

Бу нарса худди депода кўп вагонларнинг, катта пассажир вагонларининг қурилишига ўхшайди. Мен Ўша ерда ишлардим. Улар бу катта вагонларни мустаҳкам дарахтлардан ясашди, атрофини қизил дарахт билан ўрадилар, ҳамма нарса ажойиб эди, темир йўлга олиб боришди — ҳаракатдан ҳеч қандай асар йўқ. Двигател ўрнатишди, бироқ пар йўқ эди, у қимир этмай турар эди.

Бугун энг зарур нарса — ўчоқда олов бўлсин. Бугун иссиқни йўналтириш лозим. Бугун жамоат қайнаши зарур. . .Ҳаётингиздан гуноҳ қайнаб чиқиб кетиши учун қайноқ севги зарур. Агар сизлар бир—бирингизни сева олмасангиз, унда қандай қилиб сиз кўрмаган Худони сева оласиз? Севги кўп гуноҳларни ювади. Аввал Худони севинг, шунда сиз бир—бирингизни сева оласиз, шунда сиз жамоатни сева оласиз, Сабабни сева оласиз ва сиз барча пок, барча илоҳий нарсаларни сева оласиз ва сиз дунёдаги нарсалардан узоқроқ юрасиз.

Васваса руҳлари атрофда кезиб юриб инсонларни *у* ёки *бунга* ишонтириб юрибди: “Сиз мана *буни* қилишингиз лозим, сиз *уни* қилишингиз лозим”. Бу диний таълимотларни ишлаб чиқарди, улар озгина ваҳийга эга

бўлишиб айтишади: “Ҳа, менинг фикримча, инсон. . .Мен ишонаман, бу бақириқлар, хитоблар Библиядан”. Бу тўғри, ҳақиқат. Бироқ улар бундан диний таълимотни яратдилар: “Хайқиринг ва сиз Уни оласиз”. Бироқ сиз олмаяпсиз.

Бошқаси туриб таълим беради: “Номаълум тилларда сўзланг”. Тўғри, бу Библияда бор. Таълим берадилар: “Агар номаълум тилларда гапирсанг, Унга эгасан”. Бироқ кўп инсонлар тилларда гапирадилар ва Унга эга эмас. Қўряпсизми? Мана кўряпсизми, бу ҳали ҳақиқат эмас. Йўқ, дўстларим.

Уларнинг кўпчилиги айтади: “Биз башоратчилик қилишимиз лозим”.

У ёқдан бу ёққа бошидаги шохлари билан югуриб башорат қилиб юрган башоратчиларга қаранг. Михей айтди: “Барчангиз ёлғон сўзлаяпсиз”. Омин. Тўғри. Худо буни хуш кўрмайди. Худо руҳи тушкун, самимий кўнгилга келади. “Кўз ёши билан экин экканлар хурсандчилик билан ҳосил кўтарар, боғ—боғ буғдой кўтариб куйлаб қайтар”. Омин. Буни тўғри тушун, дўстим.

(24 июл 1955 йил, *“Васваса руҳлари”*дан)

VOICE OF GOD RECORDINGS
PL 1, 02761 ESPOO, FINLAND

VOICE OF GOD RECORDINGS
P.O. Box 950, Jeffersonville, Indiana 47131 U.S.A.

Copyright notice

All rights reserved. This book may be printed on a home printer for personal use or to be given out, free of charge, as a tool to spread the Gospel of Jesus Christ. This book cannot be sold, reproduced on a large scale, posted on a website, stored in a retrieval system, translated into other languages, or used for soliciting funds without the express written permission of Voice Of God Recordings®.

For more information or for other available material, please contact:

Voice Of God Recordings
P.O. Box 950, Jeffersonville, Indiana 47131 U.S.A.
www.branham.org